

# МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21-22 декабрь кунлари амалий ташриф билан Россия Федерациясида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 22 декабрь куни Санкт-Петербургдаги “Эрмитаж” давлат музейида МДҲ давлатлари раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар

Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазирини Никол Пашинян ҳам қатнашдилар.

Учрашувда жорий йилдаги биргаликдаги ишларнинг асосий яқунлари сарҳисоб қилинди ва келгуси йил учун устувор вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзаро товар айирбошлашни ошириш учун янада қулай шароитлар яратиш, транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро инвестициялар ўсишини рағбатлантириш ва кооперация лойиҳа-

ларини қўллаб-қувватлаш, энергетика ва рақамлаштиришда шерикликни мустаҳкамлаш, фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳаларни кенгайтириш, шунингдек, ҳудудлар ўртасида узоқ мuddатли ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида маданий ва гуманитар алмашинувларни давом эттириш, хусусан, ёшларнинг ижодий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш зарурлиги қайд этилди.

Санкт-Петербургдаги норасмий учрашувнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари билан биргаликда “Эрмитаж” давлат музейига ташриф буюрди.

Етакчилар ноёб санъат асарлари ва маданият ёдгорликлари тўпланган ушбу дунёдаги энг йирик музейларидан бирининг экспозицияси билан танишдилар. Ташриф чоғида Россия ва Европа тарихи ҳамда бадий меросининг асосий

босқичларини акс эттирган Бош музей мажмуаси заллари билан танишилди.

Делегациялар раҳбарлари Александр залида бўлиб, бадий қуруш экспозициясини кўздан кечирдилар, шунингдек, тантанали маросимлар ва расмий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган Пикетлар зали ва Герблар залига ташриф буюрдилар.

Қимматбаҳо металллардан тайёрланган бетакрор буюмлар сақланувчи Олтин хазина, афсонавий “Товус” механик соати жойлашган Кичик Эрмитажнинг

Павильонлар зали меҳмонларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Ташриф давомида маданий мулоқотни мустаҳкамлаш, тарихий меросни асраб-авайлаш ва Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

## “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯПОН КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА



Давлатимиз раҳбарининг Япония Бош вазирини Санаэ Такаичининг тақдирига биноан 18-20 декабрь кунлари ушбу давлатга расмий ташрифи икки мамлакат алоқаларини янги босқичга кўтариш йўлида муҳим сиёсий воқеалик бўлди.

Зеро, ташриф доирасидаги мулоқотларда Президентимиз томонидан Япония билан “яшил” энергетика ва саноатда углеводород чиқаришни камайтириш, ахборот технологиялари, ўта муҳим минераллар, машинасозлик соҳасидаги ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш ва

туризм инфратузилмасини модернизация қилиш каби стратегик шерикликнинг асосий йўналишларини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

ИНФЛЯЦИЯ —

ГЛОБАЛ СИНОВ ВА МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИК ЎЛЧОВИ

4

## Йил сарҳисоби

### БУ ЙИЛ 10 МИЛЛИАРД КУБ МЕТРГА ЯҚИН СУВ ТЕЖАЛДИ

Минтақамизда сув тақчиллиги йилдан йилга ошиб бораётган айна паллада аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг обихаётга эҳтиёжи ҳам ортиб бормоқда. Бундай вазиятда сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бутуннинг энг долзарб вазифаларидан.

Йил бошида сув омборларида захира етарли даражада ҳозирлангани, каналларни бетонлаштириш ва сув тежовчи технологиялар ўрнатиш қамровини кенгайтириш, рақамлаштириш ва бошқа ислохотлар эвазига суғориш мавсумида муайян натижаларга эришилди.

Бугунги ҳолатга кўра, трансчегаравий сув омборлари билан қўшиб ҳисоблаганда мамлакатимиз сув захираси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,5 миллиард куб метр камайган. Ички сув омборларимизда эса 3 миллиард куб метр сув тақчиллиги мавжуд.

Давоми 3-бетда

## ТОШКЕНТНИНГ ПОЙТАХТ МАҚОМИГА МОС ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИ

Тошкент нафақат Марказий Осиёнинг йирик мегаполиси, балки минг йиллик тарих, бой маънавият ва замонавий тараққиёт уйғунлашган бетакрор шаҳар ҳамдир. Сўнгги йилларда азим пойтахтимиз бутунлай ўзгариб, янгича қиёфа касб этди. Кўплаб турар жой массивлари, янги бинолар қурилди. Бунёдкорлик ишлари, барпо этилган савдо-сервис ва кўнгилочар объектлар шаҳар иқтисодиётини янада ривожлантирди. Туну кун ишлайдиган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сони 3000 дан ошди.

Кейинги ўн йилга етар-етмас қисқа вақт оралиғида Тошкент шаҳри иқтисодиётига 20 миллиард доллардан ортиқ тўғридан тўғри хорижий инвестиция киритилиб, 5000 га яқин йирик лойиҳа ишга туширилди. Жон бошига хорижий инвестиция 2017 йилдаги 71 доллардан 2200 долларга ошди.

Пойтахтда жамоат транспортини ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, Тошкентга минтага замонавий электробус ва автобус олиб келиниб, 168 та янги йўналиш очилди, қўшимча 33 километр метро линияси ва 21 та янги станция қурилди. Буларнинг барчаси, аввало, юртдошларимиз учун қўлайлик яратиб, автобусларнинг қатновдаги интервали қисқариши ва ташиладиган йўловчилар сонининг ошишига туртки берди.

Давоми 2-бетда

Марғилон деганда кўз олдингизга қўлигул хунарамандларнинг ҳаёт тарзи келади. Ипак курти боқиш, хомашёни қайта ишлаш, бежирим, нафис, қалампирмунчоқ нақшлар билан безатилган сархил ипак мато ишлаб чиқариш йўлидаги савий-ҳаракатлар асрлар давомида ўз кўрки, жозибасини йўқотгани йўқ, албатта.



## МАРҒИЛОНДА “АҚЛЛИ” УЙЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА

### “Янги Ўзбекистон” массиви фойдаланишга топширилиш арафасида

Бу масаланинг бир жиҳати. Бошқа томонда эса, хунарамандлар йиллар давомида уй-жой масаласида қийналгани ҳам рост. Статистик маълумотларга кўра, шаҳарда 1 квадрат километр майдонда 1500 киши яшаган. Бу белгиланган меъёрдан анча юқори. 1992 йилдан 2016 йилга қадар шаҳар ҳудудида бор-йўғи, 11 та қўлқаватли уй қурилган. Оқибатда бир ҳовлида, бир том остида 3-4 оила яшагга мажбур бўлган.

Президентимиз ўтган йили 11-12 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида мазкур масалалар ечимига алоҳида эътибор қаратди. Қўхна Марғилон шаҳрига туташган, Фарғона тумани ҳудудидаги кам ҳосили, тош-шағалдан иборат майдон “Янги Ўзбекистон” уй-жой массиви қурилиши учун ажратилди. Ўтган қисқа мuddатда бунёдкорлик анъаналари ҳар жиҳатдан кенг қулоқ ёйди, ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Давоми 2-бетда



Нуктаи назар

# ТОШКЕНТНИНГ ПОЙТАХТ МАҚОМИГА МОС ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



Равшан ФОЗИЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

ва шаҳар иқтисодий ҳаётини жонлантиришга ёрдам бермоқда.

Марказга таширф доирасида давлатимиз раҳбарига шу ерда фаолият юритаётган “Unicon-Soft” АТ компанияси фаолияти таништирилди. Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида яратилган қўлай шароит натижасида давлат бошқарувини рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, АТ таълимини ривожлантириш каби кўплаб йўналишларда миллий дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки изчил кенгайиб бормоқда.

Президентимизнинг тегишли фармониغا мувофиқ, соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган. Ушбу жараёнга Юнусобод туманида фаолият юритаётган “Unicon-Soft” компанияси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. 2017 йилда ташкил этилган корхона шу кунга қадар республика бўйлаб 70 дан ортиқ дастурий тизим ишлаб чиққан ва жорий этган.

Ҳозир “Unicon-Soft” томонидан рақамлаштириш йўналишида дастурий ва техник воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, божхона фаолиятини рақамлаштириш, шунингдек, “Рақамли маҳалла” платформасини жорий этиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари компаниянинг ушбу йўналишдаги лойиҳалари тақдироти билан танишиб, миллий АТ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ёшларнинг сунъий интеллект технологиялари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, давлат идораларида рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берди. Бу ўз навбатида, АТ соҳасида янги иш ўринлари очилиши, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантириш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ва давлат бошқарувини замонавий, самарали тизимга айлантиришга хизмат қилади.

Бугун узоқни қўлаб юритилаётган прагматик, халқчил сиёсат туфайли пойтахтимиз кун сайин обод ва кўркам қиёфа касб этмоқда. Буни нафақат юрдошларимиз, балки чет элдан келаятган меҳмонлар ҳам алоҳида эътироф этмоқда. Бундай ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Шу билан бирга, ҳали ечимини қутаётган айрим масалалар ҳам бор.

16 декабрь куни Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш, шаҳар муҳитини яхшилаш ва муносиб яшаш шароитларини яратиш масалалари юзасидан ўтказилган йигилишда давлатимиз раҳбари бу масала алоҳида тўхталиб, қатор янги ташаббусларни илгари сурди.



## МАРҒИЛОНДА “АҚЛИ” УЙЛАР ҚАД РОСТЛАМОҚДА

“Янги Ўзбекистон” массиви  
фойдаланишга топширилиш арафасида

Бошланиши 1-бетда

иссиқ ҳароратни таъминловчи базальт қопламасидан фойдаланилган. Қўп қаватли уйларнинг биринчи ва иккинчи қаватларида савдо, хизмат кўрсатиш объектилари, ертўлада машиналар сақлаш жойи бўлади.

— Ҳар бир иш сифатли бажарилиши учун доимий назорат ўрнатилган, — дейди Фаргона вилояти ҳудудий қурилиш ва уй-йўл коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси инспектори Умиджон Узоқов. — Бинолар зилзилага бардошли, пишиқ-пухта бўлиши зарур. Шу мақсадда бу ерда уй қураётган 10 дан ортиқ тадбиркорлик субъектининг ишни лойиҳа асосида тўлиқ бажариши қатъий назоратга олинган. Қурилиш материаллари сифати инспекция ҳузуридаги лаборатория мутахассислари иштирокида ўрганиб борилмоқда. Барча жараён рақамлаштириш тамойили асосидаги янги технологиялар, синов-лаборатория жиҳозлари ёрдамида назорат қилинапти. Бу қурилишда очиклик ва шаффофликни таъминлаб, ҳуқуқбузарликлар ва коррупциянинг олдини олишга хизмат қиялпти.

Янги шаҳар қурилишида хорижлик инвесторлар ҳам иштирок этмоқда. Хусусан, “WENNY ESTATE DEVELOPMENT” компанияси кўп қаватли уй-жойлар қурилиши соҳасида катта тажриба тўплаган. Ҳозирда компания қурувчилари сай-ҳаракати билан 7 та 16 қаватли замонавий уй қурилиши жадаллик билан олиб борилапти.

— Биз қураётган уйлар бошқаларидан ўзига хос қўлайлиқ билан ажралиб туради, — дейди компания иш юритувчиси Ли Чуанфу. — Янги уйлар тўлиқ рақамлаштирилади. Масалан, тонгда уйғониб, ўтирган ҳолатда ойналарини очиб, шамоллатиш, чироқларни ёқиш, ҳатто чой ва қаҳва қайнатиш имкониятига эга бўласиз. Компаниямиз вилоят бўйлаб яна 20 та замонавий кўп қаватли уй қуришни мақсад қилган.

Бугун савдо-иқтисодий кўрсаткичларда ҳам ижобий суръат кузатилмоқда. Хусусан, охириг саккиз йилда товар айирбошлаш 2 баравар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган япон компанияларининг сони эса 10 карра ошди. Энергетика, соғлиқни сақлаш, геология, ахборот технологиялари, инфратузилма ва бошқа устувор соҳаларда мустақкам кооперация ўрнатилди.

Ташрифда стратегик шерикликни янада ривожлантириш ҳамда энергетика ва саноат соҳаларида қўша лойиҳаларни рўёбга чиқариш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, Самарқанд вилоятида иккита қуёш электр станцияси ва энергия сақлаш тизимлари қурилиши бошлангани, мазкур лойиҳани шамол электр станциялари ва сақлаш қувватлари асосида Қорақалпоғистонда ҳам тез фурсатларда амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Бундай амалий ҳамкорликни Сирдарё вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида замонавий буг-газ электр станциясини барпо этишда Япония компаниялари консорциум таркибиде иштирок этаётганида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, бугун шамол электр станцияларида ўлчов ишларида иштирок этаётган япон компаниялари инвестиция киритиш учун тайёрлигини маълум қилди.

Япон компаниялари тажрибаси ва сармоясини, аввало, инфратузилма, яъни юқори кучлинишли магистрал электр тармоқлари, подстанциялар қурилишига жалб этиш мумкин. Президентимизнинг Токио шаҳридаги ишбилармонлик тadbирлари доирасида “Sumitomo Corporation” компанияси президенти Шинго Уэнони билан учрашувда бу компания билан ўта юқори кучлинишли кабель маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тез тиббий ёрдам машиналари паркинни модернизация қилишда иштирок этиш режаларни келишиб олинди.

Умуман олганда, қайта тикланидиган энергия манбалари ва захиралаш тизимларини ривожлантириш, иқтисодиётда “углерод изи”ни камайтиришга доир ҳамкорлик келишувлари энергетика барқарорлигини таъминлаш йўналишидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



Шерзод ШЕРМАТОВ,  
рақамли технологиялар вазири

Бир сўз билан айтганда, саммитда илгари сурилган ташаббуслар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлидаги ҳамкорликнинг салмоқли салоҳиятидан унумли фойдаланишга хизмат қилади.



# “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯПОН КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ташриф доирасида давлатимиз раҳбарининг етакчи компаниялар, молия институтлари ҳамда бизнес уюмалари раҳбарлари билан учрашув ва музокаралари уларнинг янги Ўзбекистонга, мамлакатимизда кечаётган ислохотларга ишончини янада мустаҳкамлади.

“Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитида Ўзбекистон Президентли илгари сурган таклиф ва ташаббуслар минтақамиз ва кунчиқар мамлакат ўртасидаги интеграцияни янада ривожлантириш, барча соҳаларда тараққиётни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди. Япония компаниялари илгари асосан пудрат лойиҳаларида иштирок этган бўлса, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётига фаол инвестиция киритиб, қўша корхоналар

Жўрабек МИРЗАМАХМУДОВ,  
энергетика вазири

яратмоқда, бошқарув, технологиялар трансфери ва миллий кадрларни тайёрлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Энг муҳими, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган мазкур ўзгаришлар натижасида Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ва технологик шерикларидан бирига айланди.



ҚАЙТА ТИКЛАНДИГАН ЭНЕРГИЯ  
МАНБАЛАРИ ВА ЗАХИРАЛАШ ТИЗИМЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТДА “УГЛЕРОД  
ИЗИ”НИ КАМАЙТИРИШГА ДОИР ҲАМКОРЛИК  
КЕЛИШУВЛАРИ ЭНЕРГЕТИКА БАРҚАРОРЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЙЎНАЛИШИДАГИ ИШЛАР  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

## ИШОНЧЛИ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯРАТИЛАДИ

Японияга бу сафарги ташрифни тарихий деб атасак ҳеч қандай муболага бўлмайди. Зеро, фикримизга эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар яққол мисол бўла олади.

Энг муҳими, бу биз каби соҳа раҳбарлари учун янги имкониятлар эшигини очди. Жумладан, рақамлаштириш соҳасини оладиган бўлсак, биз учун энг керакли бўлгани ишончли телекоммуникация инфратузилмасидир.

Учрашув ва музокараларда ахборот технологияларини ривожлантириш, жумладан, сунъий интеллект ва рақамлаштириш дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилгани соҳада бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга туртки беради.

Япон технологиялари ишончилигини билан ажралиб туради. Яъни магистрал тармоқларимизни айнаан япон технологиялари орқали янада кенгайтиришни режалаштирганмиз. Натижада республикамизнинг исталган ҳудудда бу тармоқлар орқали ишончли ва тез интернетдан фойдаланиш имконияти яратилади.

Мамлакатимизда бундан бир ярим йил олдин ушбу йўналишда Япония капитали иштирокида битта компания бўлган бўлса, ҳозир 26 тани ташкил этмоқда.

Президентимизнинг мазкур ташрифидан кейин уларнинг сони янада кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, янги ишчи ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади. Юртимизда фаолият юритаётган япон компанияларига Ўзбекистонлик ёшлар салоҳиятидан кенроқ фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантиришни таклиф этилган.

Президентимиз “Марказий Осиё + Япония” биринчи саммитида қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, бугун рақамли трансформация иқтисодий ўсиш ва барқарорликнинг халқ қилувчи омилига айланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

“Япония компаниялари рақамли иқтисодиёт сегментлари — саноатни автоматлаштириш, робототехника, бошқа-

рувнинг интеллектуал тизимлари, янги авлод булулти ва телекоммуникация платформалари соҳаларида жаҳонда етакчидир. “Марказий Осиё — Япония” рақамли хаби — рақамли ечимлар, сунъий интеллект, “буюмлар интернет-ти”, киберхавфсизлик ва инновацион иқтисодиёт соҳаларида кўп томонлама ҳамкорлик платформасини яратишни таклиф этамиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, энергетика, транспорт, АТ инфратузилмани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш ва бошқа устувор йўналишларда умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд янги лойиҳаларни сифатли тайёрлаш ҳамда бошланганларининг натижадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

# БУ ЙИЛ 10 МИЛЛИАРД КУБ МЕТРГА ЯҚИН СУВ ТЕЖАЛДИ



Шавкат ҲАМРОЕВ,  
сув ҳўжалиги вазири

## Бошланиши 1-бетда

Ушбу мураккаб вазиятни инобатга олган ҳолда сўнгги йилларда сув ҳўжалиги тизимини тубдан ислоҳ қилиш, сув захираларидан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, соҳани модернизация қилиш учун охириги 5 йилда бюджетдан ажратилган 60 триллион сўм ҳамда 622 миллион долларлик хорижий инвестиция ирригация тизимига йўналтирилди.

Президентимиз мамлакатимизда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш, 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ташаббусларини илгари сурди.

Ушбу ташаббуслар нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки бутун минтақа халқлари фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган чора-тадбирларни белгилаб бермоқда. Бу, ўз навбатида, Президентимизнинг соҳа вакилларига яратиб берган имкониятни, қўшниларнинг давлатимиз раҳбарига ҳурмати ва дўстона муносабатларининг самараси, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 августдаги тегишли қарори билан Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқланди. Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган чора-тадбирлар, мақсадли кўрсаткичлар ҳамда параметрларга эришишга қаратилган.

2025 йилда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига 1 триллион 356 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, мелiorация объектиларида 95,3 миллиард сўм эвазига 295,5 километрик коллектор-дренаж тармоқлари реконструкция қилинди. Вазирлик тизимидаги насос станцияларида ўрнатилган 157 та насос ҳамда 166 та электр двигателъ янгисига алмаштирилди.



Насос станциялари 2018 йилда 8,3 миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфлаган бўлса, 2025 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 6,4 миллиард киловатт-соатни ташкил этиши кутилмоқда. Шу тариқа электр энергияси истеъмолини етти йилда 1,9 миллиард киловатт-соат камайтиришга эришилди.

Сув ҳўжалиги соҳасида самардорликка эришишнинг бирдан-бир йўли — рақамлаштириш. Бу орқали шаффофик ва аниқлик таъминланади,

коррупциянинг олди олинади. Шу боис, охириги тўрт йилда 13 минг 254 та сув олиш нуқтасида “ақли сув”, 10 минг 983 та мелiorатив кузатув қудугида сизот сув кўрсаткичи ва ернинг минераллашганлик даражасини назорат қилувчи “DIVER” қурилмаси, 1749 та насос станциясида сув сарфини мониторинг қилиш қурилмаси ўрнатилди. Йирик 100 та сув ҳўжалиги объектининг бошқаруви автоматлаштирилди.

Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида “Вазиятлар маркази” ташкил этилди. Соҳадаги 10 та ахборот тизими такомиллаштирилиб, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш имконини берувчи “Рақамли сув ҳўжалиги” ягона платформаси ишга туширилди.

Шунингдек, 2,6 миллион гектар майдон сув тежовчи технологиялар

сувни бошқариш ва қўшимча агротехника тадбирларини ўтказиш орқали 3,4 миллиард, сув тежайдиган сугориш технологияларини жорий қилиш ҳисобига 2,9 миллиард, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция тадбирлари ҳисобига 3 миллиард куб метрга яқин, сув ҳўжалигида ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига 0,7 миллиард куб метр сув ресурслари иқтисод қилинишига эришилди.

Шу билан бирга, “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида сув таъминоти оғир маҳаллалардаги аҳоли томирқаларини сув билан таъминлаш лойиҳалари учун бюджетдан 1,2 триллион сўм йўналтирилди.

**“СУВ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА “ВАЗИЯТЛАР МАРКАЗИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. СОҲАДАГИ 10 ТА АХБОРОТ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИБ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ, УМУМЛАШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ “РАҚАМЛИ СУВ ҲўЖАЛИГИ” ЯГОНА ПЛАТФОРМАСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.**

билан қамраб олинди ва сугориладиган майдонларга нисбатан улуши 60 фоизга етказилди. Жумладан, 664 минг гектарда томчилатиб, 121 минг гектарда ёмғирлатиб, 73 минг гектарда

Ушбу дастурга кўра, 886 та лойиҳа доирасида 1850,9 километр канал, 202,1 километр лоток тармоғи, 844 та сугориш қудуги, 438 та насос агрегати, 2,9 километр коллектор тармоғи,



дискрет ва 123 минг гектарда бошқа турдаги сугориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 1,6 миллион гектар ер лазер ускунаси ёрдамида текисланди. Натижада айнан сув тежовчи технологиялар ҳисобига 2025 йилда 2,3 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди.

Таҳлилларга асосан, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш орқали сув ресурсларини 45-50, ёқилги-мойлаш материаллари ва минерал ўғитларни 25-35 фоиз қисқартириш мумкин. Шу билан бирга, ҳосилдорлик 15-20 фоизгача ошади.

2 та мелiorатив тик қудуқ, 14 та гидро-техник иншоот ҳамда 385,2 километр босимли қувурларни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди. Натижада 494,3 минг хонадоннинг 88 минг гектар томирқасида сув таъминоти яхшиланди.

2025 йил 30 июлда Сув кодекси қабул қилингани соҳа ривожига муҳим воқеа бўлди. Унга мувофиқ мамлакатимизда сув муносабатлари соҳасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилди. Сув кодекси қуча кириши муносабати билан жорий йил 17 ноябрда Тошкент шаҳрида халқаро сув ҳамкорлиги ва Ўзбекистон Республикасининг сув қонунчилигини такомиллаштиришга бағишланган халқаро конференция ўтказилди.

Конференцияда Сув кодекси тақдими ўтказилди ҳамда сув таъминотини яхшилаш, сув тежаш технологияларини жорий этиш ва айниқса, Оролбўйи ҳудудида аҳоли муҳофазасига қаратилган дастурларни ривожлантириш бўйича қўшма ташаббуслар муҳокамасига эътибор қaratилди.

Яқинда Президентимиз Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси ходимлари куни муносабати билан соҳа вакиллари иштирокида мулоқот ўтказди. Мулоқот чоғида деҳқон, фермер, богбон, чорвадор, сувчи, агроном ва механизаторларнинг меҳнати эътироф этилди.

Келгуси йили мамлакатимизда пахтадан 4,5 миллион тонна, ғалладан 10 миллион тонна ҳосил олиш мўлжалланмоқда. Бунга, албатта, сувчилар ҳам муносиб ҳисса қўшади. 2026 йилда ҳам сувчилар бир ёқадан бош чиқариб, сувни белгиланган лимит асосида етказиб бериш, обихаётни имкон қадар тежаш, деҳқон ва миришкорларга қанот бўлиб, улкан хирмонлар кўтарилишига ҳисса қўшиш учун бор қуч-ғайратини сафарбар этади.



## “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ОБИҲАЁТ КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН ҲАМ ЗАРУР

### Эскирган ва энергия сарфи юқори насос агрегатлари замонавийларига алмаштирилади

Бугун сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтиришга ҳождат йўқ. Сув — ҳаёт. Унга бошқача таъриф бериб бўлмайди. Шундай экан, бу бебаҳо неъматдан тўғри фойдаланиб, уни исроф қилмаслик ҳар бир фуқароннинг бурчи.

Сувни тўғри ва тежамкорлик билан сарфлаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунёда долзарб масалага айланган. Чунки сув истеъмоли йилдан йилга ортиб бормоқда, захиралар эса чексиз эмас. Буларнинг барчаси дунёнинг аксарият мамлакатларида сув ресурсларини бошқаришга энг янги ва юқори самара берадиган технологияларни жалб қилишни тақозо этмоқда.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳозир ер юзиде қарийб 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чеқмоқда. 2030 йилга бориб, сув танқислиги кузатилиши ҳамда бунинг оқибатида Ўзбекистон дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Албатта, бу илмий далиллар ҳавотирли ва ҳар бир инсонни ўйлантириши керак.

Кейинги йилларда аҳоли сони ўсиши, фан ва техника тараққиёти, инсон эҳтиёжлари ортиши оқибатида ер юзиде қатор экологик муаммолар юзага келди. Шу боис, бугунги кунда соф табиат ҳақида фикр юритиш мушкул. Ўрмонлар кўйлаиш ўрнига тобора қисқариб бормоқда, қатта-қатта табиий ҳудудлар деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилди, табиат ва атмосфера ҳар хил чиқинди ҳамда газлар ҳисобига ифлосланяпти.

Бундан ташқари, тошқинлар, ўрмон ёнғинлари, чанг бўронлари ва бошқа табиий жараёнлар юз бермоқда. Буларнинг барчаси табиат мувозанатига путур етказяпти.

Бугун ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам қатта ҳавф тугдирмоқда. Ҳозирги глобаллашув жараёнидаги иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ривожланиш атроф-муҳит муҳофазасида мураккаб вазиятларни пайдо қилмоқда.



Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сув ҳўжалиги соҳасида самарадорликни ошириш энергия ва ёқилги сарфини, табиий ресурслар юқламасини камайтириш, сугориш тизимлари унумдорлигини ошириш ва қишлоқ ҳўжалигида узлуксиз маҳсулот етиштиришни таъминлаш имконини беради. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита таъсир қиладди. Ушбу соҳада илмий салоҳиятнинг ривожланиши замонавий

**“Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, ҳозир ер юзиде қарийб 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислигидан азият чеқмоқда. 2030 йилга бориб, сув танқислиги кузатилиши ҳамда бунинг оқибатида Ўзбекистон дунёдаги сув танқис бўлган 33 давлат қаторига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас.**



Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, ҳар йили 7 миллион гектарга яқин унумдор ер жаҳон қишлоқ ҳўжалиги айланмасидан чиқиб кетмоқда, 7 миллион киши ҳаво ифлосланиши таъсиридан вафот этмоқда.

Мана шундай мураккаб бир шароитда кейинги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган, аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида жамлаган фармон ва қарорлар, тасдиқланган дастурлар ижроси доирасида қўрилган чора-тадбирлар ижобий самара бераётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Эътиборли жиҳати, бу борада пухта ўйланган режа асосида кейинги қадамларни ҳам ташладик. Ана шундай муҳим дастурларимиздан бири “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидир. Ҳужжатда юртимизда сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш борасида қатор устувор вазифалар белгиланган муаммонинг салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлйдир.

Жумладан, унда сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоиз ошириш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 миллион гектаргача, жумладан, томчилаб сугориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш вазифаси қўйилган.

технологияларни жорий этиш, сув ресурсларини бошқаришни автоматлаштириш ва малакали мутахассислар тайёрлаш учун янги имкониятлар яратмоқда.

Илмий тадқиқотлар обихаётга эҳтиёжни олдиндан ҳисоб-китоб қилиш, сувдан фойдаланишни оптималлаштириш, иқлим ўзгаришига мослашиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва экологик хавфларнинг олдини олиш имконини беради. Бу эса сув ҳўжалигида узоқ муддатли барқарор таъминот учун замин яратяпти. Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорлик, инвестиция ва инновацион технологиялардан фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш бўйича глобал лойиҳаларда иштирок этиш ва етакчи давлатлар билан тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз ўрнида, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлайди ва рақобатбардорлигини оширади.

Энергия самарадорлиги, илмий салоҳият ва халқаро ҳамкорликка ҳар томонлама эътибор мамлакат учун қатор устуниқлар беради. Яъни бу орқали рақобатбардорлиқни таъминлаш, хусусан, сув ва энергиядан оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, қишлоқ ҳўжалигининг қурғоқчилик ва иқлим ўзгаришига чидамлилигини ошириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, малакали мутахассислар сонини кўпайтиришга эришиш мумкин. Шунингдек, халқаро имижни

мустаҳкамлаш, инновацияларни жалб этган ҳолда инфратузилмани модернизациялаш, илмий лойиҳаларга инвестиция қиритишга ҳам асос яратиладди.

Сир эмас, 2017 йилгача сув ҳўжалиги қатор муаммолар гирдобиде эди. Ирригация тизимларида сув ва энергия йўқотишлар юқори, насос станциялари ва каналлар эскирган, замонавий технологиялар даражаси паст ва энг ачинарлиси, тармоқда илмий тадқиқотлар етарлича молиялаштирилмаганди.

Давлатимиз раҳбарининг соҳага эътибори натижаси ўлароқ, кейинги йилларда вазият кескин ўзгарди. Насос станциялари ва ирригация тизимлари энергия тежовчи технологиялар билан таъминланиб, соҳа тубдан модернизация қилинди. Автоматлаштирилган назорат тизимлари жорий этилди ва йўқотишлар сезиларли даражада камайтирилди.

Шу билан бирга, илмий салоҳият ривожлантирилди, замонавий илмий марказлар очилди. Малакали мутахассислар тайёрланди ва тадқиқотлар амалиётга татбиқ этила бошланди.

Халқаро ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Соҳага чет эл инвестицияси ва технологиялари жалб қилинмоқда. Глобал илмий лойиҳаларда иштирок этиш ва тажриба алмашиш имкониятлари кенгаймоқда.

Бошқарув тизими ислоҳ қилиниши натижасида сув ресурсларининг шаффофи ва самарали бошқарувига ҳудудий мониторинг ва масъулият қучайтирилди.

Президентимизга шу йил 15 декабрь куни сув ҳўжалигида энергия самарадорлигини ошириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ишлари юзасидан берилган ахборотда эскирган ва энергия сарфи юқори насос агрегатларини замонавий, энергия тежамкорларига алмаштириш бўйича режалар кўриб чиқилди.


Мутахассислар айтишича, сўнгги йилларда сув ҳўжалиги насос станциялари қарийб 20 фоиз кам энергия истеъмоли қилмоқда. Шунга қарамай, анчагина агрегатлар замонавийларига алмаштиришга муҳтож. Масалан, ўтган йилда Кегейли туманидаги битта насос агрегати замонавий энергия тежамкорига алмаштирилганда, энергия истеъмоли икки баробар, фермернинг эксплуатация харажатлари эса уч баробар камайдди.

Бугун Қорақалпоғистонда мавжуд 274 та насос станциясидаги агрегатларнинг ярмидан кўпи 1979 йилдан буён ишлаб чиқарилган ускуналардан иборат, уларнинг энергия сарфи замонавий насосларниқига нисбатан 2-3 баробар юқори.

Давлатимиз раҳбари томонидан Кегейли тажрибасини кенг жорий этиш ва барча эскирган ускуналарни замонавийларига алмаштириш бўйича вазифалар қўйилди.

Энг муҳими, бу жараёнда молиялаштириш манбалари ҳал қилиб берилди. Шунингдек, бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва олимлар билан илмий ишларни жадаллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, бугун атрофиямида рўй бераётган сув билан боглиқ экологик муаммолар барчамиз учун огоҳлик кўнгируги бўлиши керак. Бундан ҳар биримиз тегишли ҳулоса чиқариб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик таъомилини кундалик мезонимизга айлантиришимиз зарур. Бугун бизга ҳаёт ва завқ улашаётган тоза ичимлик сувдан келажак авлод ҳам биздек баҳра олишга ҳақли.



# ЯНГИЧА ИСИТИШ ТИЗИМИ

## ХОНАДОНЛАРНИ ИССИҚЛИК БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА САМАРА БЕРАДИМИ?

Келгуси йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратиладиган кредит ҳажми 450 триллион сўмга етказилиши

**Сардор ТОЛИБОВЕВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири


Рақамли муҳит кенгайиши билан жамиятда гоё ва билимнинг қиймати тобора ошиб бораётган бир паллада интеллектуал меҳнат маҳсулининг иқтисодий жараёнлардаги ҳал қилувчи аҳамияти кучайди. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт тамойилларини мустаҳкамлаш, креатив индустрия салоҳиятини ошириш, илм-фан ва технологияни қўллаб-қувватлаш йўналишларида изчил ўзгаришлар рўй берди. Бу жараённинг давоми сифатида интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш масаласи юзага чиқди. Айниқса, ахборот оқими ниҳоятда тезлашган, контент яратиши ва тарқалиши сониялар ичйда содир бўлаётган ҳозирги шароитда ҳуқуқий механизмларни янгилаш эҳтиёжи туғилди.

Айни эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда Президентимизнинг 2025 йил 27 ноябрдаги “Интеллектуал фаолият натижаларини рағбатлантириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди интеллектуал мулк соҳасини тубдан янгилаш, жараёнларни рақамлаштириш, экспертиза муддатларини қисқартириш ва барча фойдаланувчилар учун қулай, шаффоф муҳит яратиш мақсади кўзда тутилган. Қарорга мувофиқ, ишга туширилиши белгиланган “Интеллектуал мулк муҳофазаси” портали айнан шу жараённинг тамал тоши бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда. Порталнинг ишга туширилиши билан муаллиф ўз асарига доир муқоабани тизор шаклда юбориш, шартномаларни масофадан туриб расмийлаштириш, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотларга осон кириш имконига эга бўлади.


Шубҳасиз, масаланинг моҳияти фақат шу билан чекланмайдиган. Ўқувчида аксар четлаб ўтиладиган ёхуд кўпчилик томонидан базан шунчаки эътиборсиз қолдирилмайдиган, аслида эса давлат ва жамият ҳаётида ўта долзарб ушбу мавзунинг мазмун ва аҳамияти, унинг тарихий илдиэлари, тамойиллари ҳамда янги қарор орқали Ўзбекистонда шаклланаётган тизим, унинг зарурати борасида саволлар туғилиши табиий.

## Жаҳон тажрибаси: тушунча ва тарихий илдиэлар

Тарих саҳифаларида ақл меваси — интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга эҳтиёж ўзига хос шаклларда ифодалаб келинган. Европа мамлакатларида босмаҳоналар фаолияти кенгайган даврда асар учун рухсатнома бериш амалиёти пайдо бўлди. Ушбу жараён кейинчалик муаллифнинг ўз асари устидан назорат



Болажон халқмиз. Фарзандимизга ҳар нарсанинг сарасини илинамиз. Афсуски, кейинги пайтларда интеллектуал тармоқларда болаларга қарши зўравонлик ҳолатлари акс этаётган лавҳалар учраб турибди. Айрим ота-оналар ёки катталар ўзларининг наздида болани тарбиялаш усули деб билган ҳаракатлар зўравонлик турига қиради. Болага нисбатан жисмоний зўравонлик уйдагина эмас, мактабда, кўчада ва бошқа жойларда содир бўлиши мумкин. Каерда бўлишидан қатъи назар, бу боланинг ўз қадрини билмаслиги, таълим олишдаги муаммолар, агрессия, депрессия ва бедарқликка олиб келади. Шунинг учун бутун мамлакатимизда болаларга нисбатан жисмоний зўравонлиқни тўхтатишга, улар учун хавфсиз ва бахтли муҳит яратишга қаратилган зарур чоралар кўриляпти. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар олиб бориляпти.



ҳуқуқини тан оладиган қонуний тизим яратишига замин ҳозирлади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан халқро майдонда муаллифлик ҳуқуқини бир хил тартибда қўллаш зарурати кучайди. Натижада давлатлар ўртасида Ўзаро тан олиш механизмларини белгиланган асосий битимлар юзга келди. Бу конвенциялар адабий, бадиий ва илмий асарларнинг муҳофазасини йирик миқёсга олиб чиққан, замонавий интеллектуал мулк тизими шаклланишига йўл очган ҳуқуқий пойдевор эди.

Ҳозир муаллифлик ҳуқуқи кенг қамровли тузилма бўлиб, ижодкорнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга иқтисодий фаоллик учун мустаҳкам асос яратди. Бу орқали ижодкор ўзи яратган асарини тарқатиш, қўлайтириш, қайта ишлаш ёки фойдаланишга рухсат бериш каби ҳуқуқларга эга бўлди.

Ривожланган мамлакатлар амалиётига назар ташланса, муаллифлик ҳуқуқи борасида технологик ёндашувлар устуллик қилаётгани аққол сезилади. Масалан, интернетда тарқалаётган контентни назорат қилиш, ноқонуний кўчириш ҳолатларини аниқлаш, рухсатсиз юкланган материалларни ўчириб ташлаш каби жараёнлар махсус электрон тизимлар орқали бошқарилади. Мураккаб платформаларнинг бундай механизмларга эга бўлиши ижодкор манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга фойдаланувчилар учун ҳам тартибли ахборот муҳитини яратди. Хусусан, Европа давлатларида рақамли бозор сиёсатини юриштишда муаллифлик ҳуқуқи иқтисодий фаолиятнинг ажралмас бўлаги сифатида қўрилади. Улар ўз платформаларида асар эгасини аниқлаш, компенсация механизмларини ривожлантириш, шаффоф фойдаланиш тизимлари яратишга алоҳида эътибор беради.

Жаҳон амалиёти муаллифлик ҳуқуқини қатъий жаэолар ҳисобига эмас, аксинча, тизимли профилактика, оқиқ реестрлар, тезкор рақамли хизматлар, фойдаланувчи учун қулай механизмлар орқали мустаҳкамлаш самаралироқ натижа беришини исботлаган. Демак, ижодкор ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган жамият яратишда фақат назорат эмас, балки тушунтириш ишлари, рақамли саводхонлик-ни ошириш, қонунчиликни енгил идорқ этиладиган шаклда етказиш муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда-чи? Ҳўш, биз қайси йўлни

“

Ҳуқуқий ҳимоя фақат суд залида эмас, унинг олдинги босқичларида ҳам шаклланади. Портал ана шу босқичнинг марказида туриб, ижодий натижани расмий эътирофга йўналтиради, низоларни эрта босқичда аниқлашга ёрдам беради. Энг муҳими, муаллиф учун аниқ “йўл харитаси” яратди.



танладик? Буни тушуниб олиш учун мазкур тушунчанинг юртимиз шароитида қандай ривожланиши, эволюцияси ва ниҳоят бүгунги ҳолат, шунингдек, истиқболдаги режаларга назар ташлашимизга тўғри келади.

## Ўзбекистонда интеллектуал мулк сиёсатининг эволюцияси

Юртимизда интеллектуал меҳнат натижаларини тартибга солиш жараёни сўнгги ўн йилликларда босқичма-босқич шаклланган ҳуқуқий пойдеворга таянади. Аввалги даврларда ижод маҳсулини расмийлаштириш имкониятлари анча чекланган, жараённинг ўзи мураккаб ва кўп босқичли бўлган сабаб қўллаб асарлар расмий ҳуқуқий мақомга эга бўлмаг қоларди. Иқтисодий жараёнларда инновация, илмий изланиш ва креатив фаолиятнинг ўрни кучайиб боргани сари интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш эҳтиёжи ошди.

Шу билан бирга, амалиётда бир қатор тўсиқлар ҳам мавжуд эди. Хусусан, плагиат, рухсатсиз қўлайтириш, интернетда тарқатиш каби ҳолатларга кўз юмиш мумкин эмас. Суд жараёнларидаги қўйилиш, экспертиза муддатларининг узоклиги, ҳуқуқни қўллаш органларида тажриба етишмаслиги ижод маҳсулининг реал ҳимоясини сустлаштириб қўйганди. Бундай шароитда муаллиф ўз асари ҳимоясини талаб қилишга журъат тополмаслиги, оқибатда янги гоё ва ташаббуслар бўйи берилиши эҳтимолга кучаяди.

Замонавий сиёсат мана шу заиф бўғинларни аниқлаб, бартараф этишга қаратилган механизмларни шакллантирди. Илм-фан, маданият, АТ, стартап экотизими, ижодий соҳалар вакилларининг эҳтиёжи таҳлил қилиниб, муаммолар манбалари аниқ белгиланди. Рўйхатдан ўтказиш босқичлари енгиллаш-

тирилиши, хизматларнинг электрон шаклга ўтказилиши, мураккаб амалиётларни қисқартиришга қаратилган ташаббуслар айнан шу жараённинг маҳсулидир.

Ижодкорлар нигоҳида эса асосий масала ҳуқуқий тартибларнинг мавжудлигидан кўра уларнинг ҳаётини самарадорлигидадир. Матн муаллифи ўз асари қайта чоп этилса, дизайн нусхалари тарқалса ёки тадқиқот натижаларидан рухсатсиз фойдаланилса, бунга муносабат билдириш имкони аниқ бўлиши катта аҳамият касб этади. Кейинги йилларда ушбу жараённинг изчил тақомиллашга, давлат хизматларининг очиқлиги, муқоабаларни кўриб чиқишнинг тезлашуви интеллектуал меҳнат билан шугулланувчи қатламда ишонч уйғота бошлади. Жумладан, мазкур қарорини интеллектуал мулк соҳасини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган концептуал ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин. Қарор мазмунини ижодий фаолият натижаларини рағбатлантириш ва технология имкониятлар орқали ҳуқуқий жараёнларни енгиллаштириш гоёси устувор ўрин эгаллаган. Бу ҳужжат турли хизматлар ўртасида тарқоқлиқни бартараф этиб, тартибларни яхлит тизимга йўналтирган давлат сиёсатининг мантқиқий давоми сифатида юзага келди.

Қарорда 2026-2027 йиллар учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар алоҳида аҳамиятга эга. Интеллектуал мулк объектларини расмий рўйхатга олиш сонини 100 мингга етказиш вазифаси ижодий ва илмий фаолиятни кенг миқёсда қўллаб-қувватлашга қаратилган йирик ташаббуслардан биридир. Шунингдек, экспертиза жараёни муддатини икки баравар қисқартириш режаси ҳуқуқий хизматларнинг тежорилигини ошириш, фойдаланувчилар учун кутиш босқичларини ихчамлаштиришга йўналтирилган. Бундай мақсадлар, ўз навбатида, замонавий технологиялар, айниқса, сунъий интеллектга асосланган таҳлил воситаларидан фойдаланиш имконини кенгайтиради.

## “Интеллектуал мулк муҳофазаси” портали

Интеллектуал меҳнат натижаларини тартибга солиш бўйича турли платформалар фаолият юритиб келган бўлса-да, уларнинг бир йўналишга жамланмагани амалиётни мураккаблаштириб қўяр эди. Янги портал айнан мана шу муаммони ҳал қилишга қаратилган бўлиб, ахборот ресурсларини ягона марказга биравлаштирадиган ва барча асосий хизматларни бир жойда тақдим этадиган тизим сифатида шакллантирилмоқда. Бу ёндашув фойдаланувчи учун ортқича ҳаракатларни камайтиради, давлат органлари ўртасида ахборот алмашинуви самарадорлигини оширади.

Порталнинг техник тузилишида бир нечта устувор тамойил асос қилиб олинган. Аввало, идентификация жараёни аниқ бўлиши муҳим: фойдаланувчи ўз маълумотларини бир марталик рўйхатга олиш тизими орқали тасдиқлайди ва кейинги барча амални шахсий кабинет орқали амалга оширади. Бу модель хизматдан фойдаланишни қулайлаштиради ва ҳуқуқий жараёнлар тўғри юритилишини таъминлайди. Шунингдек, портал ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш, уларга зарур иловаларни бириктириш, жараённинг ҳар бир босқичини кузатиш имконини беради.

Шу билан бирга, муқоабаларни тезкор қайд этиш ва бир хил тартибда кўриб чиқиш имконияти яратилади. Ижод маҳсули бўйича савол, шикоят, тақлиф ёки ҳужжат топширилганда, фойдаланувчи бунга доир барча маълумотни ўзи кузатиб бориши мумкин. Порталда кўзда тутилган электрон шартнома тузиш имконияти эса муаллифнинг ҳамкорлик алоқаларини масофадан туриб расмийлаштиришга ёрдам беради.

Ҳимоя жараёнида муҳим ўрин тутадиган яна бир жиҳат контрафакт товарлар ва ҳуқуқ-ни бузган веб-сайтлар бўйича маълумотлар базасидир. Бу бўлим фойдаланувчи учун нафақат ахборот манбаи, балки профилактика воситаси сифатида ҳам аҳамиятга эга. Тадбиркор ўз маҳсулотини янги ҳудудга чиқараётганда, журналист ёки тадқиқотчи материал тайёрлаётганда, дизайнер портфелини ҳимоя қилишда айнан шу маълумотлар унга қулай йўл-йўриқ кўрсатади.

Интеллектуал мулк соҳасида юзага чиқади-ган низолар кўпинча мураккаб таҳлил ва аниқ далилларни талаб қилади. Асарнинг қайси қисмини ким яратгани, қай тартибда фойдаланилганини аниқлаш оддий кўз билан илғаш мушкул. У чуқур ҳуқуқий изланиш, пухта ҳужжатлаштириш, соддаликдан йироқ жараёнлардан таркиб топади. Шу сабаб суд тизимида интеллектуал мулк билан боғлиқ ишлар алоҳида масъулият билан кўриб чиқилади.

Суд амалиётида учрайдиган энг катта муаммолардан бири — далилнинг ишончлиги. Рухсатсиз кўчириб тарқатилган материални аниқлаш, муаллифлик мезонини белгилаш, техник таҳлилни тўғри қуриш кўп вақт талаб қилади. Портал бу йўналишда муайян тартиб яратди. Жумладан, контрафакт маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар, фаолияти чекланган сайтлар рўйхати, муқоабалар тарихи ва уларга берилган жавоблар ўзаро боғланган тизим сифатида шакллантирилади. Судья, адвокат ёки эксперт ушбу

маълумотларга таяниб, низоининг моҳиятини аниқроқ тушуниши мумкин. Ҳуқуқий ҳимоя фақат суд залида эмас, унинг олдинги босқичларида ҳам шаклланади. Портал ана шу босқичнинг марказида туриб, ижодий натижани расмий эътирофга йўналтиради, низоларни эрта босқичда аниқлашга ёрдам беради. Энг муҳими, муаллиф учун аниқ “йўл харитаси” яратди.

## Ҳуқуқий маданият ва ижтимоий онг

Интеллектуал меҳнатнинг қадри нафақат қонунларда, балки жамиятнинг қундалик ҳаётида ўз ифодасини топади. Ижод ва меҳнат маҳсули ҳурмат қилинадиган муҳитда гоё бемалол ўсади, фикр йўли кенгайди, илмий изланишлар самара беради. Шунинг учун муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги билимлар аҳолининг умумий маданият даражаси билан чамбарчас боғлиқ.

Бугун рақамли ҳаёт тезлашуви натижасида қўллаб одамлар ҳар куни матн, расм, видео, мусика ёки илмий маълумотга дуч келади. Бу оқимда муаллиф қимлигини фарқлаш, асарнинг манбасини кўриш, унинг ортидаги меҳнатни сезиш бир қарашда аҳамиятсиздек туюлиши мумкин. Бироқ бу, аввало, аҳолининг маданий тушунчалари билан алоқадор ҳолат эканини унутмаслик лозим. Шу сабаб интеллектуал мулк бўйича тушунтириш ишлари, оммавий саводхонлик дастурлари, мактаб ва олий таълим тизимида мазкур мавзунинг мунтазам ёритилиши долзарб аҳамият касб этади. Ёш авлод ўқув жараёнидаёқ ижодий меҳнатнинг қадрига етишни ўрганар экан, жамиятнинг умумий маданий манзараси ҳам шунга монанд ўзгариб боради.

Университетлар бу борада алоҳида масъулиятга эга. Хусусан, қарорга мувофиқ, олий таълим муассасалари ҳамда илмий таълилотларда технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилади. Бу марказлар патентлаш, тижорийлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнларини қўллаб-қувватлайди, Адлия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ушбу марказларга услубий ёрдам кўрсатади. 2026/2027 ўқув йилидан Ўзбекистон Миллий университетиди интеллектуал мулкни бошқариш йўналиши очилади. 2029-2030 йилга қадар камида тўртта олийгоҳда мазкур йўналиш йўлга қўйилади. Тошкент давлат юридик университетиди замонавий интеллектуал мулк ҳуқуқи таълим дастурлари жорий этилади. Ўқув жараёнига Буюк Британия, Сингапур, Жанубий Корея ва Хитой экспертлари жалб этилади.

Бизнес сектори ҳам бу жараённинг муҳим иштирокчиси. Йирик корхоналардан тортиб кичик студияларга қадар янгилли яратиш, дизайн ишлаб чиқиш, дастур тайёрлаш, бренд концепцияси яратиш каби жараёнларда иштирок этади. Ҳар бир лойиҳа, ўз навбатида, интеллектуал меҳнатга суянади. Корхоналар ўз маҳсулотни, реклама материали учун масъулият ҳисси билан ёндашсагина ҳалол рақобат муҳити шаклланади.

— Албатта, бу борада рағбат механизми ҳам муҳим омил, — дейди Адлия вазирлигининг интеллектуал мулк соҳасини таҳлил қилиш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Бобурхон Аббасов. — Қарор билан иштироқи ва новаторларни рағбатлантириш бўйича катта имкониятлар яратилди. Жумладан, интеллектуал мулк объектлари кредит олиш учун гаров сифатида қабул қилинади. Ҳар йили “Энг яхши ихтиро”, “Энг яхши фойдали модель”, “Энг яхши сановат намунаси” каби номинациялар бўйича республика танлови ўтказилади, гоилибар мукофотланади.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларининг жамият тафаккурини ўзгартиришда кучли восита сифатидаги ўрнини назардан қочирмаслик лозим. Газета ва телеканалларда интеллектуал мулк мавзуси, ижодкорлар тажрибаси мунтазам ёритилса, ҳуқуқий жараёнлар халқчил тилда тушунтириласа, аҳолининг айни йўналиш бўйича билими ошади, тасавури кенгайди. Шунингдек, интернет нашрларида бу мавзуга бағишланган доимий руқнлар очилса, ўқувчи ҳаётда дуч келадиган қўллаб қўлатлар бўйича аниқ муҳл-йўриқ олади. Умуман олганда, бундай муҳл-йўриқ ижодкор ўзини эркин ҳис қиладиган, жамият эса фикр эгаларига эргашади, ривожланиши дадил давом этади.

## Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

# ХАВФСИЗ ҲАЁТ БАХШ ЭТИШ — ИНСОНИЙ ВАЗИФА

зўравонлик масаласи қайта кўриб чиқилиб, ҳужжатларга ўзгаришлар, тақлифлар киритилади. Боланинг шаклланиши, жамиятга қўшилиб кетишида оиладаги муҳит бирламчи ўрин тутди. Яъни стратегияда оиладаги муҳитни яхшилашга, зўравонлиқнинг олдини олиш, чораларини кўриш, хавфсиз таълим муҳитини яратишга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, аҳоли ўртасида болаларга нисбатан зўравонлик ҳақидаги фикрларни ўзгариштириш бўйича тарғибот олиб бориш, бу борадаги тадқиқотларни кучайтириш мақсади қўйилган.

Эндиликда зўравонлик гувоҳи бўлган болаларга кўпроқ ижтимоий ёндашув асосида, оилага яқин муҳитда хизмат кўрсатишга уринилляпти. Чунки болага хавф юқори даражада баҳоланганда ва оиласидан ажратиб олинганда, унга ўз оиласиникига мос муҳитни яратиб бериш керак бўлади. Бунинг учун мутасаддилар томонидан бир қанча тақлифлар киритилляпти. Жумладан, ўзининг оиласидан олинган болалар “ихтисослашган тутигган оила”га берилади. Бу оила боладаги зўравонлиқдан кейинги руҳий ҳолатни яхшилашга қаратилган хизматлар кўрсата олиши учун махсус дастурлар асосида ўқитилади.

Кичик ижтимоий кўмак марказлари фаолияти йўлга қўйилиши эса зўравонликка гувоҳ бўлган болаларнинг ҳиссиётини бошқариш, руҳиятидаги бузилишларни тузатишга хизмат қилади. Дастлабки босқичда мазкур марказлар Қашқадарё, Хоразм ва Навоий вилоятларида, 2026 йил сўнгиги қадар бошқа ҳудудларда ҳам босқичма-босқич ишга туширилади. Бу шунчаки табиқ эътилояпти, масъулар бир неча хорижий мамлакатнинг ижобий тажрибасини ўрганди. Урганишлар бу турдаги ижтимоий хизмат кўрсатиш асосан Буюк Британия, Франция ёки Норвегияда анча ривожланганини кўрсатди. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Грузияда шундай тизим йўлга қўйилган.

Мутасаддиларга кўра, аслида бу тажриба бизга бегона эмас, айни турдаги хизматлар ўзимизда ҳам синов тариқасида бўлган. Шундан келиб чиқиб, ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши ҳавфи остида бўлган 11 тоифадаги болалар учун ҳам оилага яқин муҳитда, маҳалла даражасида кичик марказлар ташкил этиш белгиланди.

Идоралараро интеграция болаларга нисбатан зўравонлик масаласида ҳам айни муддао бўлади. Чунки шу пайтгача республикамизда зўравонлиқдан жабрланган ва унинг



гувоҳи бўлган болалар ҳақидаги статистик маълумотлар мавжуд бўлмаган. Уларни йиғиш жуда қийин масала эди. Энди Ички ишлар вазирлигининг махсус платформасига йўналган зўравонлик ҳақидаги хабар тўғридан тўғри Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига ҳам келиб тушади. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу хабар асосида ижтимоий ҳодим воқеани жойига чиқиб ўрганади. Агентлик Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда зўравонлиқдан жабрланган болалар билан ишласа, ички ишлар органлари зўравонлик содир этган шахслар билан шугулланади. Платформа Олий суд платформасига ҳам интеграция қилинади. Интеграциялаш натижасида интернет тар-

моқлари орқали бўлаётган онлайн зўравонликка ҳам алоҳида эътибор берилади, болага нисбатан кичиркантилганликнинг олди олинади. Зеро, зўравонлиқнинг бу тури ҳам бугун аянчилик ақунларга сабаб бўлаётгани билан хавотирли.

Аслида, зўравонлиқнинг энг енгил тури ҳам шахсга зарар етказиши, унинг руҳиятига салбий таъсир этиши билан қаттиқ қораланади. Шундай экан, болаларимизни бу ёмон иллатдан ҳимоялаш, эртанги эгаларига хавфсиз ҳаёт бахш этиш — ҳаммамизнинг инсоний вазифамиз.

## Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

6

2025 йил 23 декабрь, 267-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Илҳом Жабборов 80 ёшда

ТАРИХНИ ТОШГА ЎЙГАН

Ижодкор

Тошкент, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларидаги Амир Темури, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний, Урганчдаги Жалолиддин Мангуберди, Бухородаги “Кўҳна ва боқий Бухоро” мажмуаси, пойтахтимиздаги “Эзгулик” стеласи, “Мустақиллик” монументи, Хотира майдонидаги “Мотамсаро она”, “Бахтиёр она” ҳамда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ҳайкаллари айнан Илҳом Жабборов муаллифлигида яратилган монументал асарлар сирасига кирилади.

Моҳир ҳайкалтарош Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Аҳмад Фарғоний каби буюк шахсларнинг сиймосини нафақат шунчаки ҳукмдор ёки олим, балки миллатни эзгуликка, адолат ва фаровонликка етаклаган кучли ирода эгалари сифатида гавдалантира олган. Биргина Амир Темури ҳайкали қиёфасида ирода, салобат, куч ва қатъият ҳамда инсонпарварлик хислатлари намоён бўлгандай таассурот уйғотади. Ўртимизда Илҳом Жабборов ясаган ҳайкаллари кўрган, аммо муаллиф шахси, ижоди ва бошқа асарлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган замондошларимиз ҳам топилади. Шу боис, бу борада тўлиқроқ маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

\*\*\*  
Илҳом Жабборов ўз соҳасида маҳобатли ва дастгоҳли ҳайкалтарошлик мактабини яратган, тарих саҳифаларини мувозанат билан баён этган уста ҳайкалтарошлардан. Отаси Жаббор ота ва онаси Ризовна ая асли Наманган вилояти Чуст туманининг Олмос қишлоғида яшаган. Йиллар ўтиб, тақдир тақозоси билан оила Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманига кўчиб келган.  
Бу йил 80 ёшни қарши олган таниқли ҳайкалтарош 1945 йил 30 июнда Ўрта Чирчиқ туманидаги Тўқай қишлоғида туғилган. Қишлоғидаги 8 йиллик мактабни битирганидан сўнг 1961 йилда пойтахтга келиб,



## Биохилма-хиллик

2025 йил юртимизда “Агроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” дея эълон қилингани бежиз эмас. Табиатни асраш глобал масала эканини даврнинг ўзи кўрсатяпти. Айниқса, ҳайвонот ва наботот оламини асраш, йўқолиб бораётган турларни сақлаб қолиш кечиктириб бўлмас устувор вазифадир.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидаги ноёб экотизм жойлашган “Сурхон” давлат қўриқхонаси бу борада муҳим илмий ва амалий марказлардан. Воҳани қоқ иккига бўлиб оқувчи Сурхондарё соҳилидан қарасангиз, кунботарда кўкмири Кўхитанг тоғларини кўрасиз. Унинг аввали Бойсун тоғларига уланса, адоғи Амударё тўлқинидан сув ичаётган тулпорни эслагиди.

Кўхитангнинг шарқий ёнбағирида “Сурхон” давлат қўриқхонаси жойлашган. Бу қўриқхонада мунтазам мониторинг ўтказилади. Мақсад — ундаги ноёб ва эндемик ҳайвонот турларини сақлаб қолиш, яшаш шароитини яхшилаш орқали кўпайтириш. Ўрганиш жараёнининг муҳим қисми йилга икки марта ўтказиладиган ноёб ҳайвонлар турлари саноғидир.

— Яқинда “Сурхон” давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайдиган асосий ва ноёб ҳайвонлар сонини аниқлаш мақсадида санок тадбири бўлиб ўтди. Ушбу жараёнда доим юқори малакали мутахассислар ва зоологлар қатнашди. Мақсадимиз фақат ноёб ҳайвонлар сонини билишдан иборат эмас. Ҳисоб-

Ҳайкалтарошлик асрлар оша халқнинг дардию қувончини, орзу-армонини ўз бағрида сақлаб қоладиган бебаҳо бунёдкорлик санъатидир. Хар бир ҳайкал — сукутдаги овоз, тошга ўйилган тарих ҳамда ҳайкалтарошнинг эътиқоди ва қалбидagi ҳақиқат ифодаси. Ўртимизда ушбу ҳақиқатни чуқур ҳис этган, тош ва бронзадан инсон қиёфасини жонлантира олган санъат усталаридан бири — Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъат арбоби, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Илҳом Жабборовдир.

Республика рассомлик билим юртида таҳсил олади. Ўқиниш тамомлагач, йўлланма билан Наманган театрига ишга боради. 1966 йилда билимини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг ҳайкалтарошлик факультетига ўқишга кирилади.

Илҳом Жабборов беш йил давомида таниқли ҳайкалтарош Анвар Аҳмедов каби устозлардан сабоқ олиб, билимини мустаҳкамлайди. Институтдаги таълим унинг ижод йўлида санъатнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади. У 1995 йилда ўзи таълим олган Республика рассомлик билим юртида иш бошлайди. 1997 йилдан эса Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳайкалтарошлик устaxonаси раҳбари ҳамда олим сифатида фаолиятини давом эттиради.

1997 йилда Ўзбекистон Бадий академияси академиги этиб сайланиши Илҳом Жабборов шахсининг эътирофи бўлди. У фаолиятини нафақат шахсий ижодий йўл, балки юртимизнинг маданий меросини авлоддан авлодга етказувчи вазифа сифатида кўра билди ва йиллар давомида Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларга устозлик қилиб келди.

Ҳайкалтарошнинг эркин ва баракали ижод қилишида, шубҳасиз, умр йўлдошининг ҳам ҳиссаси катта. Таниқли ҳайкалтарошнинг рафиқаси Татьяна опа — театршунос. Улар 57 йилдан буён фарзандлари ва неваралари

даврасида бағрибунтликда ҳаёт кечирмоқда. Қизлари Лейла ва Нафиса ҳам тасвирий ва амалий санъатга болалигиданоқ меҳр қўйган. Шу боис, улар ҳам отаси сингари санъатнинг бадий рангтаъсир йўналишида фаолият юритмоқда. Бугун улар кўплаб халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, голибликни қўлга киритмоқда.

— Хар бир миллатнинг дунёдаги қиёфаси, аввало, унинг маданияти, санъати ва маънавий моҳиятида намоён бўлади, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси раиси, халқ рассоми Акмал Нуриддинов. — Айниқса, ҳайкалтарошлик миллат хотирасини тошга, бронзага муҳрлаш имконияти билан бошқа



санъат турларидан кескин ажралиб туради. Ҳайкалтарошлик инсон вужудини тош орқали шакллантириш санъатидир. Илҳом Жабборов ўзбек реалистик ҳайкалтарошлигини яратган мураббийлар сафида туради. Бу мактабнинг асосий қондаларидан бири инсон қиёфаси орқали миллат қиёфасини ифода қилишдан иборат.

Илҳом ака бир неча йирик ва жамоатчиликка мўлжалланган ҳайкалларга муаллифлик қилган. У ясаган тимсоллар жамият, тарих, санъат ва маданиятимизга хизмат қилувчи муҳим манбадир. Унинг тасвирий санъатдаги ўрни ҳайкалтарошлиқнинг замонавий босқин

чини белгилаб берган ижодкор сифатида бениҳоя муҳим. Устознинг санъати халқ билан сўзлашади, миллатнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилади ва келажакка ишонч уйғотади.

Шу маънода, Илҳом Жабборов ижоди миллий маданий хотирани тикловчи, инсон қиёфасида халқ руҳини гавдалантирувчи, пластик образ орқали маънавий теранликка бошловчи ютуқлар мажмуасидир. Яратган асарлари келажак авлоднинг эстетик ва маъ-



яратиш жараёнида ҳам кўп муҳокамалар бўлган. Олдий қиличдан тортиб, миниб турган отини ясагачча бўлган жараён ҳақида фикрлашганмиз. Натижада ҳайкал янада мукаммал кўринишга келган. Ҳайкални тайёрлашга киришайдан аввал Амир Темурининг ҳаёти, характери ва фаолиятини очиб берувчи кўплаб китобларни мутлоаа қилдим, Ибн Арабшох ва бошқа тарихчи олимларнинг манбалари билан танишиб, ўрганиб чикдим.

Шунинг учун ҳам саркарда салобати ҳайкалнинг хар бир чизиги ва мувозанатида акс этди. Жияним, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Комил Жабборов билан бирга бир ярим ой қаттиқ ишлаб, ҳайкални айтилган муддатда, яъни Мустақиллик байрамигача битириб топширдик. Бу пайтда туңлари деярли ухламадик. Чунки вақтимиз жуда кам, иш эса оғир эди, ҳатто оёқларимиз ишиб кетарди. Навбат билан ярим соатдан ухлаб, яна ишни давом эттирар эдик. Зеро, билдирилган ишончини оқлашимиз керак эди. Дастлаб гипс вариантини ясаб, Амир Темури хиебонида ўрнатганмиз. Лекин унинг камчилклари кўп эди ва буни соҳа эгаси сифатида фақат ўзимиз билардик.

Бу камчилкларни тўғрилаш учун жияним билан яна ишга киришиб кетдик. Ўтган вақт оралигида ҳайкалга ва тағидаги тошга қўшимча ишлов бериб, уни 2 метр баландликка кўтардик. Бир йил давомида тасаввуримдаги ҳақиқий ҳайкални яратдим. Шу сабабли бронзадан қуйилган ҳайкал бугунгача ўз номи билан аталувчи хиебон ўртасида виқор билан қад ростлаб турибди. Соҳибқироннинг юқори кўтарилган ўнг қўлини ҳозирги ҳолатга келтириш қийин кечган. Қўлни ундай қилсам ҳам, бундай қилсам ҳам ҳеч ўхшамасди. Сўнгра шу кўринишни ишлаганмиз. Аслида, чап қўлида отнинг жиловини тортиб, ўнг қўлини кўкка кўтариб туришида ҳам ўзига ҳос маъно бор. Шу тариқа 1993 йилда Амир Темури ҳайкали бунёд бўлди.

Илҳом Жабборов ўз ижоди билан инсон қадри, ўтмиши ва миллий гурурни юқори мақомга кўтара олган салоҳиятли ижодкор. Шу боис, хар бир асари нафақат бадий маҳорат ифодаси, балки халқ руҳиятининг таржimoni ҳамдир. Гарчи ҳайкаллар тошдан ясалган бўлса-да, уни кўрган, томоша қилган одам борки, тошда тана руҳини ҳис қилгандай бўлади.

2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича энг яхши лойиҳалар халқаро танловида ҳам Илҳом Жабборов голиб бўлди. Танловда Ўзбекистон, Туркменистон, Украина, Жанубий Корея, Италия, Германия ва Австралиядан 58 ҳайкалтарош томонидан тақдим этилган 68 лойиҳа намойиш этилди.

Санъат, маданият, адабиёт ва архитектура соҳасининг йирик намоёндаларидан иборат 11 кишилик махсус ҳайъат аъзоларига Илҳом Жабборов яратган лойиҳа маъқул келди ва у танлов голиби деб эълон қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижодкорнинг меҳнатларини улуғлаб, “Malibu” русумли машина билан тақдирлади. 80 ёшни қарши олган ҳайкалтарош совға қилинган машина ҳақида гурурланиб, “Аллоҳ умр берса, бу машинани ҳали кўп йиллар ҳайдаб, ижодий ишларимни кучим ва имконим етгунича давом эттираман. Ахир бу мен учун жуда қадрли машина, Президентимиз совғаси-да”, дейди.

— Бакалавриятда 4 йил, магистратурада 2 йил устознинг қўлида таҳсил олганман. Шундан бери ўтган неча ўн йиллардан буён у билан ҳамкорлик қилиб келялман, — дейди Илҳом Жабборовнинг шоғирди Шоҳрух Ўрозов. — Айтганларини жон қўлогим билан тинглаб, амалда қўллар эканман, Яратган менга ҳам юксак истеъод соҳибининг соф ва нузли йўлини берсин, дея ният қиламан. Ҳайкалтарош бўлиб шаклланишимда устознинг меҳнати катта. “Янги Ўзбекистон” боғидаги кўплаб ҳайкаллари гарчи мен ясаган бўлсам-да, Илҳом Жабборов ёнимда туриб, хар бир деталга ўз фикрини билдириб, маслаҳат бериб турган.

Устозни фақат иктидорли ҳайкалтарош деб эмас, балки меҳнаткаш, қўли гул бонбон деб ҳам таърифлаш мумкин. Ўрта Чирчиқдаги дала ҳовлисини жуда гўзал боққа айлантирган. Кўрсангиз, кетгиниз келмайди. Турфаранг гуллар, энг сара мевали дарахтлар орасида ўзингизни эртаканмо чаманзорда юргандек ҳис қиласиз. Бу боғ биз — шоғирдлар учун ҳам ижод майдони, ҳам илҳом манбаидир. Берилган юксак унвонлар машаққатли меҳнатнинг самараси, гўзал эътирофидир. Бундан ҳам муҳим халқнинг, ҳамкасбларнинг ва шоғирдларнинг устоз ижодида самимий муҳаббати ва эҳтиромидир. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” сифатида эътироф этилиши ижодкорнинг меҳнати нечоғлиқ қадрланганини кўрсатади. Устоз ясаган ҳайкаллар бугун кўнгил ором оладиган кўркам гўшаларда қад ростлаб турибди. Хар бир йирик ёдгорлик атрофида одамлар тўпланади, суратга тушади, болалар қизиқиб савол беради.

Илҳом Жабборов билан суҳбатлашар эканмиз, истеъодли ҳайкалтарошнинг миллатнинг тарихий хотирасини шаклга келтирган, унга маъно ва жон бераётган муҳандис сифатида қайта кашф этдик. У шунчаки ҳайкалтарош эмас, тарихни тошга ўйган бунёдкор, она руҳини чизикларда жонлантирган мусаввир, миллий гурурни образга айлантирган маҳоратли санъаткордир. Яратган асарлари юртимизнинг бадий қиёфасини бойитибгина қолмай, халқ армони ва орзусининг бетақорор талқини сифатида ҳам қадрланади. Шу жиҳатдан биз уни фақат ҳайкалтарош эмас, тасвирий ва амалий санъатнинг маънавий посбони, халқимизнинг маданий хотирасини шаклга солувчи меъмор дея фахрланамиз.

Гуличехра ДУРДИЕВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## КЎХИТАНГ БАҒРИДАГИ НОЁБ ТАБИАТ



бўрсиқ, тоғ сувсари, каклик ва бошқа кўплаб жониворлар яшайди.

Масалан, Бухоро тоғ қўйи асосан Кўхитанг, Бойсунтоғ, Ҳисор, Боботоғ тизмаларида учрайди. Улар одатда денгиз сатҳидан 800-2500 метр баландликдаги тоғ тизмаларида ва сийрак арчазорларда яшайди. Бухоро тоғ қўйи пода бўлиб яшайди ва мавсумий кўчиб

юради. Ушбу ноёб жониворлар Ўзбекистон “Қизил китоб”и ҳамда Халқаро “Қизил китоб”га киритилган. Улар йўқолиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган кенжа тур. Ҳозирда 10 га яқин Бухоро тоғ қўйи Термиз ҳайвонот боғида сақланмоқда. Мутахассислар уларни мунтазам кузатиб, сақлаш бўйича илмий чора-тадбирларни кунайтирмоқда.

— Сурхондарёдан Нурутагача қўзилган тоғ тизмаларида яшовчи морхўр ва Бухоро тоғ қўйи Ўзбекистон табиатининг энг ноёб дурдоналаридан. Бу жониворлар нафақат экологик мувозанат, балки биологик хилма-хилликнинг муҳим бўғини сифатида ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди Термиз ҳайвонот боғи зоотехниги Баҳодир Жумаев.


Ноёб ҳайвонларни асраб-авайлаш нафақат олимлар ёки қўриқхоналарнинг, балки хар биримизнинг бурчимиз. Зеро, табиатни асраш орқали келажакни ҳимоя қилган бўламиз. Ундаги хар бир зарранинг, ҳатто ерга тушган хазонинг ҳам вазифаси бор.

— Кўхитанг бағрида табиат гўзаллиги билан бирга қўҳна тарихимизга гувоҳ бўлган қатор археологик ёдгорликлар бор, — дейди Термиз давлат университети ўқитувчиси, биология фанлари номзоди Ҳасан Тангирис, — Табиат шундай буюк ва мукаммал оламки, ҳатто битта гиеҳни асраб қолиш билан ҳам унинг равнақига ҳисса қўшиш мумкин. Она табиатни асраш ва бус-бутунлигича келажак авлодга қолдириш борасида “Сурхон” давлат қўриқхонаси ходимлари доим изланиш ва ҳаракатда. Улар биз каби тадқиқотчилар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўз навбатида, биз ҳам уларнинг фаолиятида, санок жараёнида имкон қадар қўмак бериб келаямиз. Бундан ташқари, университетимизда

табиатни асраш, экотизмни муҳофаза қилиш, биохилма-хилликни кенгайтириш борасида қатор илмий ишлар қилинмоқда.

Инсоният биохилма-хилликнинг бир қисми. Ана шу занжир ҳалқасида саодатли умр кечиришимиз учун ҳам қўндалик ҳаётимизда табиатни сақлашга ҳисса қўшишимиз зарур.

Сарвар ТЎРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** 34211 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беқкул Эгамкулов Мусахҳис: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:30 Топширилди — 00:35